

**ДОНАДОР СУЛЬФАТ АММОНИЙ**  
**Ts 00203074-11:2014**

Сотувдаги номланиши - **СУЛЬФАТ АММОНИЯ**  
Кимёвий формуласи - **(NH<sub>4</sub>)<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>**

Аммоний сульфат – самарали азотли ўғитдир. Ишқорли (қора ва кулранг тупроқли ерлар) ва оҳакли ерларда барча турдаги экинлар учун қўлланилади. Юқори физиологик кислоталикка эга. Физикавий хусусиятларидан аммоний сульфат аммиакли селетрадан яхшироқдир, у алангаланмайди, чангимайда, ва гигроскопиклиги анча паст, у тупроқ намлигида яхши эрийди.

СУЛЬФАТ АММОНИЯ қуйидаги озукавий таркибга эга:

Кўрсаткич номи	Навлар учун меъёр	
	Олий нав	1 нав
1 Ташқи кўриниши	Оқ рангли ва бошқа рангларнинг оч тусдаги гранулалари	
2 Азотнинг массавий улуши қуруқ модда ҳисобида, камида, %	21,0	21,0
3 Сувнинг массавий улуши, кўпи билан, %	0,2	0,2
4 Эркин ҳолатдаги сульфат кислотасининг массавий улуши, кўпи билан, %	0,01	0,03
5 Донадорлик таркиби: ўлчамлар бўйича фракцияларнинг массавий улуши: 1 mm дан 4 mm гача, камида, % 6 mm дан кичик, %	95 100	90 100
6 (2-3) mm ўлчамли гранулаларнинг статик мустаҳкамлиги, камида, МПа (kgf/cm <sup>2</sup> ),	2,5 (25)	2,0 (20)
7 Сувда эримайдиган қолдиқ, %	мавжуд эмас	мавжуд эмас
8 Сочилувчанлик, %	100	100
Изоҳ: 1 Чакана савдо учун мўлжалланган маҳсулот учун доналарнинг мустаҳкамлиги ва сочилувчанлиги меъёрлаштирилмайди ва белгиланмайди. 2 Экспорт учун мўлжалланган маҳсулотнинг донадорлик таркиби, маҳсулот етказиб берувчи ва ташқи иқтисодий компания ёки чет эллик харидор ўртасида тузилган шартнома (контракт) талабларига мувофиқ бўлиши керак.		

### ҚўЛЛАНИШИ

оз миқдорда саноатда кўрғошин батареяларини ишлаб чиқаришда. Аммоний сульфат асосан қишлоқ хўжалигида азотли ўғит сифатида ишлатилади. Аммоний сульфат ишқорли тупроқларда (бўз ва қора тупроқлар), шунингдек шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экинлари учун оҳакли тупроқда айниқса самарали бўлади.

### ТРАНСПОРТДА ТАШИШ

қадоқланган – полиэтилен пакетлар, полипропилен, полиэтилен, қоғоз қоплар, контейнерлар ёки тўкма холда.

### ТАМҒАЛАШ

босиб чиқариш йўли билан, иссиқ штамплаш ёки пресслаш билан ёки ёрлиқ пакетга ва юк ташиш идишига жойлаштирилади ёки пакет ва юк ташиш идишига жўнатилади ёки истеъмолчининг ёки келишуви бўйича бошқа марказлаш усуллари

### САҚЛАШ

ёпиқ омборларда, атмосфера ёғинлари ва ер ости сувларининг кириши бундан мустасно. Аммоний сульфатнинг кафолатланган сақлаш муддати маҳсулот ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 6 ой. Пакетланган аммоний сульфат учун кафолатланган яроқлилик муддати ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 12 ой.

Аммоний сульфатнинг яроқлилик муддати – чекланмаган.

Корхонада ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO 50001, O'z DSt ISO 9001, O'z DSt ISO 14001, O'z DSt OHSAS 18001, O'z DSt ISO 50001 стандарт талабларига мувофиқ сифат менеджменти тизими ишлаб чиқилган, сертификатланган ва тадбиқ қилинган.

Ўзбекистан 110100 Ташкент вилояти Олмалиқ шаҳар АО «Аммофос-Максам»

Факс: 70-613-31-32, 70-613-05-70

Дирекция телефони: 78-150-41-41, 70-613-31-32

Тижорат бўлими телефон рақами: 78-150-58-14, 70-613-05-70

E-Mail: [info@ammofos-maxam.uz](mailto:info@ammofos-maxam.uz) [www.ammofos-maxam.uz](http://www.ammofos-maxam.uz)

## Қўллаш бўйича кўрсатмалар

Аммоний сульфат – самарали азотли ўғитдир. Ишқорли (қора ва кулранг тупроқли ерлар) ва оҳакли ерларда барча турдаги экинлар учун қўлланилади.

Тупроққа киритиш миқдори:

- кузда ва баҳорда ерни шудгорлар пайтида 1 м<sup>2</sup> маданийлаштирилган ерга (15-25) г ва 1 м<sup>2</sup> маданийлаштирилмаган ерга (25-30) г солинади;

- эрта баҳорда мевали дарахтлар тагини чопиқ қилиш пайтида дарахт айланаси бўйлаб 1 м<sup>2</sup> га (10-20) г (фосфорли ўғитлар билан биргаликда);

- экин экиш пайтида эгатнинг 1п/м га (2-3) г ва кўчат экишда ариқчага 0,5 г (ўғит тупроқ билан аралаштирилиши шарт);

- мевали буталар, кулупнай ва ертути каби экинларга тавсия этиладиган минерал ўғит миқдори, куз ва баҳорда тагини чопиқ қилиш пайтида 1 м<sup>2</sup> га (10-15) г;

- иссиқхоналарда тупроқни шудгорлаш пайтида 1 м<sup>2</sup> га (20-25) г (фосфорли ва калийли ўғитлар билан биргаликда).

Аммоний сульфат – дарахтлардан очилган майдонларда, сўқмоқларда, йўл четлари ва канал ёқаларидаги кераксиз бута ва дарахт новдаларини йўқотишда ялпи таъсир этувчи гербицид сифатида қўлланилиши мумкин.

Қўллаш усули: (10-15) % ли сувли эритма пуркалади, бунда 1 га майдонга сарфи - (150-200) кг ни ташкил этади. Ўсимликлар нисбатан кам бўлганда, бир йилик бегона (ёввойи) ўтларни йўқ қилиш учун 1 га майдонга (25-50) кг ва кўп йиллик бегона (ёввойи) ўтлар учун - 1 га майдонга (50-125) кг етарли бўлади. Ўт жуда қалин босиб кетган ҳолларда минерал ўғит сарфи 1 га майдонга 300 кг гача ортади.

Минерал ўғитни қўллашнинг энг мақбул даври - ёз фаслининг биринчи ярми.

Аммоний сульфат тупроқда секин парчаланаяди ва ишлов берилган ерлардан фақат келаси йилда фойдаланиш мумкин. Иссиқхоналар учун кам захарли.

Захарли эмас, ёнғин ва портлашдан хавфсиз.

Болалар ва ҳайвонлардан ҳоли, озик-овқат маҳсулотларидан бўлак, қуруқ жойларда сақланади.

Ўғитдан фойдалангач, қўлларни яхшилаб ювиш керак.